

Гадоий (тахаллуси; асл исми хозирча номаълум) (1403/04 — 15-аср охири) — шоир. Газал жанри, аруз илми ва шеърият коидаларини яхши билган. Асосан туркий (ўзбек) ва кисман форс тилида газал, китъа, туюк, мустазод, касидалар яратган. Гадоий ўз ижоди билан 15-аср ўзбек мумтоз шеърияти ривожига катта хисса қўшган. Хусусан, унинг газаллари мазмунан хаётийлиги, бадий ва шаклан баркамоллиги билан ажралиб туради. Айрим газал ва китъаларида шоирнинг ўз хаёти лавхалари ва рухий кечинмалари акс этган. Шеъриятида «чарх жафоси», «рўзгор жаври»дан фиғон, «гурбат мехнати» ва «роҳиблар тазйикидан» шикоят оханглари сезилади. Гадоий шеърлари арузнинг халқ қўшиқларига яқин рамал, хазаж баҳрларида ёзилган; тили халқона содда, вазни енгил, шўх ва ўйноқи. Гадоийнинг 15-аср 2-ярми — 16-аср бошларида номаълум котиб томонидан қўчирилган «Девони Гадо» асари бор. Унга 2974 мисрадан иборат 230 газал, 1 мустазод, 1 касида, 5 китъа, туюк кирган. «Девон»даги касида теурий шахзода Мухаммад Жаҳонгир Мирзонинг ўгли Халил Султон мадҳига бағишланган. Девон қўлёзмаси Париж Миллий кутубхонасида (инв. № 981), микрофильми ва фотонусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланади. Гадоийнинг форсийдаги шеърлари Фаҳри Хиравийнинг «Радойиф ул-ашъор» тазкирасига киритилган. Гадоий шеърлари Туркия (1960) ва АКШ (1971) да босилиб чиққан.

## ГАЗАЛЛАР

\* \* \*

Охким, девона кўнглум мубтало бўлди яна,  
Бу кўнгулнунг илгидин жонга бало бўлди яна.

Дўстдин ойирди бу чархи жафо густар яна,  
Эй дариго, хожати душман раво бўлди яна.

Неча бўлсун, сокиё, охир губори хотирим,  
Тут майи софики, хангоми сафо бўлди яна.

Хушдурур, оё, пари пайкар била гулгаштким,  
Бўстону боги Эрам дилкушо бўлди яна.

Ок эвиндин қўймас эрдинг чиккали, эй шум ракиб,  
Шукрлиллах бориким, юзунг каро бўлди яна.

Чини зулфиндин дам урмоглик не нисбат, эй абир,  
Бу киноят бори сендин бас хато бўлди яна.

Шод бўлгил, эй Гадоким, мавсуми наврўздин,  
Гулбуни уммид бабаргу наво бўлди яна.

\* \* \*

Бути сийминбарим, бизни унутма,  
Дудоки шаккарим, бизни унутма,

Фалакка етти охимнинг тутуни,  
Аё махпайкарим, бизни унутма.

Чу торож айладинг жону кўнгулни,  
Кўзи горатгарим, бизни унутма.

Севар жоним, бегим, хоним, умидим,  
Азизим, дилбарим, бизни унутма.

Гадо конин жафо бирла чу тўктунг,  
Кароки кофирим, бизни унутма.

\* \* \*

Эй кўнгул, дилбар хаёли чунки хамдамдур санга,  
Водийи хижрон ичинда ўзга не гамдур санга.

Алхак, ушбу лутфи хулку хусни истигно била,  
Кишвари кўрк ичра султонлиг мусалламдур санга.

Ул кўзи ўтлукни севдунг, ўз хадингни билмайин,  
Ишк ўти хар неча куйдурса хануз камдур санга.

Кон ютармен рашк элиндин хар кеча тонгга дегин  
Ким, нечўк боди сабо хамрозу хамдамдур санга.

Айб эмастур гар паришонсен даги ошуфта хол,  
Эй Гадо, чун орзуйи зулфи пурхамдур санга.

\* \* \*

Ё раб, мени ул сарви хиромондин айирма,  
Ул кўзлари наргис, гули хандондин айирма.

Бу бахти паришонга, аё кавкаби толеъ,  
Рахм айла даги, ул гулихандондин айирма.

Эй чархи ситамгар, мени саргаштани зинхор,  
Рахм айла, даги ул махи тобондин айирма.

Бу бандага хар жавру жафоеки килурсен,

Килгин, вале ул хисрави хўбондин айирма.

Гар хаста Гадо конина ногах кирар ўлсанг,  
Жониндин айиргил, вале жонондин айирма.

\* \* \*

Яна ёз бўлди-ю, топти бўстон нашъу намо,  
Эй насими рухпарвар, хайри макдам, мархабо!

Эмди хуштур мох пайкарлар била гулгаштким,  
Боги ризвонтек чаман бўлди латифу жонфизо.

Ушмунунгтек фаслда мен васли дилбардин йирок,  
Асру зулм ўлгай, илохий, тутмасун тенгри раво.

Гарчи бор эрди бурун андак губори хотирим,  
Шукрлиллахим, муяссар бўлди анвои сафо.

Хох ўлтур, хох тиргуз, ихтиёр илкингдадур,  
Ул сенинг нозу итобингга менинг жоним фидо.

\* \* \*

Гар кабулиятга кобил тушса жон жоним санга,  
Жонима миннат фидо бўлсун, бегим, жоним санга.

Хар киши кўнглиндагин охир дамinda фош этар,  
Арза килгум мен даги холимни, султоним, санга.

Гофил ўлма кўзларимнинг ёшидинким, ногахон  
Мавж урубон етмасун ногах бу тўфоним санга.

Лаъли серобингдин узсам гар тамаъни, то абад  
Сувдек ич, ўлсун халолнинг бир овуч коним санга.

Хусн ганжидурсену кўнглум бузулгон гўшае,  
Шукркнм, тушти кабул уш ганжу вайроним санга.

Мустаном ўлсун камоли хусну жохингким, букун  
Мехру мах хайрон эрур, эй, кўзи чўлпоним, санга.

Нечаким чекдим сочинг янглик паришон холлик,  
Сўрмадинг бирким, «Не бўлди, нетти, дархоним, санга?»

\* \* \*

Васли нигору фасли бахору шароби ноб,  
Хар кимга даст берса зихи бахти комёб.

Бўстону бог фаркина кўрким, не тортадур,  
Хар дам-бадам такаллуф учун соябон сахоб

Касби камол килди чаман боди субхдин,  
Ахсан, эй насим, хамин бўлгай иктисоб.

Махбуби гулъузур ила хар кунжи богда  
Айш этки, бас ганимат эрур гарраи шабоб.

Бир-бир варақ мутолаа килди Гадо борин,  
Девони кўрк ичинда сени топти интихобю

\* \* \*

Сарвактимизга бир гузар эттинг, ажаб-ажаб,  
Ногах кўз учидин назар эттинг, ажаб-ажаб.

Юз кўрсатиб гунаш киби буржи камолдин,  
Шоми фирикими сахар эттинг, ажаб-ажаб.

Ул гунча васлидин манго, эй боди атрсо,  
Алтоф этиб, не хуш хабар эттинг, ажаб-ажаб.

Хажринг каронгусида гирифтор эгач кўнгул,  
Кўнглум эвини пур шарар эттинг, ажаб-ажаб...

Ул тош багирлу кўнглина охир ниёз ила,  
Эй охи субхидам, асар эттинг, ажаб-ажаб.

Мунча такаббурунг била, эй хусн элина шох,  
Бир кун Гадо била басар эттинг, ажаб-ажаб.

\* \* \*

Хусн ичинда бир сенингтеқ дилрабо бўлгайму ҳеч?  
Ишк элига доғи мендек мубтало бўлгайму ҳеч?

Ё раб, ул лаъли лабингдинким, эрур тафрихи рух,  
Бу менинг дардумга уммиди даво бўлгайму ҳеч?

Илтифот этмай ракиб, асру килур бегоналик,  
Ул ўлумлук бизга бир кун ошно бўлгайму ҳеч?

Даст бермас чун ёвукдин хосид илкиндин салом,  
Кўз етар ердин, хабибим, мархабо бўлгайму хеч?

Асру бепарволигингни хадтин ошурдунг манга,  
Илтифотинг ул бурункитек яно бўлгайму хеч?

Иштиёку дарду хасрат бирла мундок хору зор  
Остонингдин йирок ўлсам, раво бўлгайму хеч?

Гарчи йўктур кўрк ичинда сен бекин, султон бегим,  
Барру бахр ичра менингтек бир Гадо бўлгайму хеч?

\* \* \*

Яна бегонасен, бори нечукдур?  
Вафодин ёнасен, бори нечукдур?

Килиб шарт аввалу, охир пушаймон,  
Сўзунгдин тонасен, бори нечукдур?

Вафо худ йўк, вале жавру жафога  
Басе мардонасен, бори нечукдур?

Ракиблардин харосон эрдинг аввал,  
Яна бегонасен, бори нечукдур?

Гадони мунча аклу фахм бирла,  
Дединг: «Девонасен», бори нечукдур?

\* \* \*

Бўстонки, латофатта парихона кўрунур,  
Сенсиз манга бир манзили вайрона кўрунур.

Бас мушкил эрур бу мангаким, дарди дилимни  
Хар неча битисам санга, афсона кўрунур.

Бир-бир босиб, эй сарви хиромон, юрурунда  
Бўйинг солишинг асру зарифона кўрунур.

Лояъкил ўлур мен киби гар кўрса жамолинг,  
Носихки басе окилу фарзона кўрунур.

То севди Гадо мехр ила сен мохликони,  
Зарроти жaxon кўзида бегона кўрунур.

\* \* \*

Хар качон лаълинг табассум килса шаккар сочилур,  
Чун такаллумдин дам урса дурру гавхар сочилур.

Голибо сен сунбулунгни торадинг, эй жон, букун  
Ким, насими субхидамдин анбари тар сочилур.

Ой юзунгнунг хасратинда хар кеча тонгга дегин  
Кўзларимнинг ёшидин ер узра ахтар сочилур.

Гояти аъло маротибдин дурурким, хар сахар  
Макдамингда гунбази афлокдин зар сочилур.

Бу Гадо хасрат била кўз маъданидин дам-бадам  
Лаълинг учун хар каён ёкути ахмар сочилур.

\* \* \*

Лаъли серобингдек, эй жон, оби замзамми бўлур?  
Яъни кавсар суйи бирла тонги шабнамми бўлур?

Акл сигмас ишк уйинаким, харими хос эрур,  
Ли мааллох, кўйида Жибрил махрамми бўлур?

Хар куше анко дегулдур, хар башар инсон эмас,  
Кимсаким, оти Бирохим ўлса Адхамми бўлур?

Эй кўнгул, хар нечаким, жонигга тегди дарду гам,  
Не бушар мардона бўл, дилбар гами гамми бўлур?

Ушбу йўлда кон ютуб, собит кадам бўлмок керак,  
Журъае ичган киши бу жомдин Жамми бўлур?

Ул кишидинким, сафо олмас тарийки гафлдин  
Лофи ишк урмоклиг, эй носих, мусалламми бўлур?

Чашмаи нўши зулолингдин Гадога катрае  
Гар иноят айласанг, нетти, бегим, камми бўлур?

\* \* \*

Эй сабо, ул гунчаи хандонумунг холи недур?  
Дилбарим, умрим, умидим, жонумунг холи недур?

Ул ўзи раъно, сўзи гавго, кўзи айни бало,

Сочлари ялдо, махи тобонумунг холи недур?

Бахри эхсону мурувват, маъдани лутфу карам,  
Тишлари дур, лаблари маржонумунг холи недур?

Кўрклар равнаки, нозик баданлар сарвари,  
Ул зарофат маснадининг, хонумунг холи недур?

Кайгудин доим йирок эрди-ю шодига якин,  
Эмди билмасменкин, ул султонумунг холи недур?

Мунда мен бори баче расвоу душман комимен,  
Анда, ё раб, ул севар жононумунг холи недур?

Эй хуш ул чоғларки, дахшатсиз сўрар эрди мени,  
Хар кишидинким: «Менинг дархонумунг холи недур?»»

\* \* \*

Ширин дудокингни, санамо, жон деса бўлур,  
Чун кулса дағи гунчаи хандон деса бўлур.

Шул габгаби сийминким, эрур оби муаллак,  
Нозуклугиндин чашмаи хайвон деса бўлур.

Гар бор десам огзунгу белингни гумони,  
Чиндур ажаб исботи-ю ёлгон деса бўлур.

Жавру ситаму нозу итобингни хакилда  
Лутфу караму жуд ила эхсон деса бўлур.

Сориг юзума конлу ёшимнинг катаротин,  
Олтун юзума лаълидин афшон деса бўлур.

Чун тушти Гадонинг элина хотами лаълинг,  
Бу муъжиз ила они Сулаймон деса бўлур.

Хар нечаки вайрон эса кўнгли бу сўзидин,  
Хаккоким, они ганжи дурафшон деса бўлур.

\* \* \*

Бегим, кулга ато бўлмаса бўлмас,  
Сенинг лутфунг манго бўлмаса бўлмас.

Бу турлук хусну лутфу шеваларга,

Санга жоним фидо бўлмаса бўлмас.

Сочинг занжирина девона кўнглум  
Карориб мубтало бўлмаса бўлмас.

Бу ўтким солди жонга нор янгокииг,  
Зулол эрнинг даво бўлмаса бўлмас.

Шифо учун эшикинг тупрогиндин  
Кўзумга тўтиё бўлмаса бўлмас.

«Жафолар хадтин ошти», десам айтур:  
«Латифлардин жафо бўлмаса бўлмас»,

Сенингдек шохнинг остонасинда  
Менингдек бир Гадо бўлмаса бўлмас.

\* \* \*

Эй бегим, сенсиз тирик(лик) бир балои жон эмиш  
Ким, анинг дарди кошинда юз ўлум хайрон эмиш.

Кошки харгиз муяссар бўлмагай эрди висол,  
Окибат юз дарду хасрат бирла чун хижрон эмиш.

Билмас эрдим давлати дийдорингиз кадрин бурун,  
Эмди билдимким, замони васл хуш даврон эмиш.

Ошикеким, ёр адоки оллида бош ўйнамас,  
Лофи ишк урмок анга тахкик бас товон эмиш.

Мехнату ранжу балоу гуссаву дарду фирок  
Хар не келса хуш турур, чун тенгридин фармон эмиш.

Андаким сендин вафо тутти тамаъ мискин кўнгул,  
Шаксизин билдимки, асру гўлу хам нодон эмиш.

Бу Гадо ёлгуз гирифтор ўлмади хижронгаким,  
Гунбади афлок багри доги андин кон эмиш.

\* \* \*

Кому ноком эшикингдин кеттим, эй жон, алвидоъ,  
Чун казодин мундок эрмиш хукму фармон алвидоъ.

Давлатингдин хуш кечурдум муддате умри азиз,



Чандо ул кому завку айшу жавлон алвидоъ.

Бас судоъ эрди фигонимдин улуска, эй бегим,  
Мушкил ишни килдим охир элга осон алвидоъ.

Жўйи Навнунг суйи эрмиш оби кавсар шаксизпн,  
Равзаи ризвон даги «Боги хиёвон» алвидоъ.

Эй даригоким, тагофул бирла кечти мунча умр,  
Билмадим кадри «Шамол»у «Боги Зогон» алвидоъ.

Нечаким, конимдин ичти сув ниhoли коматинг,  
Топмадим сепдин бар, эй сарви хиромон, алвидоъ.

Гар Гадо борди иликгни бок эмас, сен яхши кол  
Комронлпк бирля. эй султони хўбон, алвидоъ.

\* \* \*

Охким, туштум йирок ул гулъузоримдин дариг,  
Топмайин жон максади лаъли нигоримдин, дариг.

Юроким кат-кат жафодин гунчадек кон боглади,  
Кўрмадим бир кун вафо ул навбахоримдин, дариг.

Водийи хажрингда хасрат бирла жон бердим, бегим,  
Бўлмадинг вокиф менинг бу холи зоримдин, дариг.

Ўлганимдин сўнгра хар бир зарраи тупрогдин  
Гар гузар килсанг эшитгайсен мазоримдин, дариг.

Кў-бакў-ю дарбадар бўлди Гадо дардингдин, ох,  
Айткил, бореки мискин хоксоримдин, дариг.

\* \* \*

Сокиё, ёз ўлди, кел, бахри худо, бўлгил шафик,  
Дафъи мехнатга кетургил журъаи рохи рахик.

Хуш тут охир бир даме бизники, бу дунёйи дун  
Бевафо маккораедур бесаботу бетарийк.

Кўпкин, эй бахт, уйкудин, туткин саодат этагин,  
Бир тааммул кил, чаман сори гар эурсен шафик.

Хар раёхинким кўрарсен сахни бўстон ичра, ох,

Бир суманбарнинг кўзи, ёхуд юзидур, эй рафик.

Завк ила нўш айла жоми бодаи гулрангким,  
Хуш тутар сарви сихига аргувон жоми акик.

Носихо, дарди дилимни билмасанг маъзурсен,  
Чунки билмайдур, бале, сохилдаги холи гарик.

Гавхари маъни тиларсен, эй Гадо, гаввос ўлуб,  
Лек хозир бўлки, бахридур бу Уммон бас амийк,

\* \* \*

Эй жамолингдин фалакда машъали тобон хижил,  
Кўзларингдиндур даги хар субхидам чўлпон хижил.

Чандо эрнингнинг зулолиндинким, андин уфтониб,  
Ешунуб зулмотга кирди чашмаи хайвон хижил.

Барги насрин узра мундок зулфу хотингни кўруб,  
Хеч гариб эрмаски бўлгай сунбулу райхон хижил.

Ул тор огзинг рамзидин фахм этти гўё шамсае  
Ким, чаманда бўлди мундок гунчаи хандон хижил.

Кўзларинг хайронименким, мунча нохак кон килиб,  
Ийманиб хеч бўлмади ул жодуйи фаттон хижил.

Билмади хуснунг рамузин, йўкса холига дегин,  
Колгай эрди чох ичинда Юсуфи Канъон хижил.

Бу Гадонинг ўтлук охиндин даги кўз ёшидин  
Бўлди барки жон гудози катраи найсон хижил.

\* \* \*

Эй мени мундок жахонда хоксор этган кўнгул.  
Ёр зулфитек паришон рўзгор этган кўнгул.

Мунча айшу ишрату лаззат ичинда дунёда,  
Мехнату дарду балони ихтиёр этган кўнгул.

Мунча йил ёткон жавохирни жигархунлиг била  
Кўз йўлиндин барчани зоеъ нисор этган кўнгул.

Банданингким, бор эди бир чоғда юз минг эътибор,

Эл кошинда ит киби беэътибор этган кўнгул.

Обрўйини каро ерга тўкубтур кўрмайин,  
Дарбадар мискин Гадопи хору зор этган кўнгул.

\* \* \*

Гаму дард ўртади жонимни, сен бил,  
Табибим, эмди дармонимни сен бил.

Улуснинг олида фош эттинг, эй мох,  
Менинг бу рози пинхонимни сен бил.

Сабо, ул сочлари сунбулга еткур,  
Бу ахволи паришонимни сен бил.

Бу зулматда манга еткургин, эй бахт,  
Ўшул шамъи шабистонимни сен бил.

Тўкарсен дам-бадам жаллодлартек  
Ёзуксиз бу менинг конимни, сен бил.

Салосил сунбулунгнинг куфри бузди.:  
Бинойи зухду иймонимни, сен бил.

Манга гамзанг на ким ўк отса айтур:  
«Юракда сакла пайконимни, сен бил».

\* \* \*

Дилбаро, бўлди хаво табъида пайдо эътидол,  
Айшу ишрат чоги келди, кетти даврони малол.

Рўза айёми саломатлиг била рафъ ўлубон,  
Шукрлиллахким, хилоли ийд кўргузди жамол.

Вокеан бордур хаёли ушбу ой бошидаким,  
Кечкурун кўргузди султони фалак тугройи ол.

Юзунгуз бирла агар лоф урса бушмас тўлун ой,  
Асли чун каж табъ эрур, бори хаёлидур махол.

Маст агар чиксант бугун гашти хиёбон килгали,  
Эл бўлур бори катилу бўйнунга колур вубол.

Хайрат ичра ийдгах халки намозин тарк этиб,

Сўргуси бир-бирисидин махв бўлубким: «кайфу хол?»

Шамъи ховардур камол авжинда алхак талъатинг,  
То дами субхи киёмат кўрмасун, ё раб, завол.

Манбаи нўши лабингни топкамен деб истаю,  
Санги хородин чикиб хайрон юрур оби зулол.

Дастгир ўлгунг йўк, эй султон, Гадоий хастага,  
Хар неча килса каро ердек они гам поймол.

\* \* \*

Дилбаро, лаълинг хаёти жон эмишдук, билмадим,  
Бу кўнгулнунг дардина дармон эмишдук, билмадим.

Холиким сендин йирок ўлдум, азизим, англадим  
Ким, висолинг даври хуш даврон эмишдук, билмадим.

Халка-халка сунбулунг ул барги насрининг уза  
Куфри махзу равнаки иймон эмишдук, билмадим.

Сувсади кўнглум багоят водийи хажрингда, ох,  
Хоки пойинг чашмаи хайвон эмишдук, билмадим.

Кунда хар соат йирокдин ой юзунг наззораси,  
Мен Гадога умри жовидон эмишдук, билмадим.

\* \* \*

Чун гашт учун отландинг, аё сарви равоним,  
Етти ети гардунга менинг оху фигоним.

От устида ул шакли зарифонани кўргач,  
Аклу хирадим кетти, даги колмади жоним.

Гар хажр элидин бўлса халоси манга бир кун,  
Курбон ўлайн кошингга, эй кўзи кироним.

Эй войки, бу тинмагуру конлу ёшимдин  
Фош ўлди улус кошида асрори нихоним.

Бордур ниятимким, кадамингга ўлай охир,  
Гар чархи фалак бирла ажал берса амоним.

Рахм айла букун хаста кўнгул холина, эй жон

Ким, тонгла тилаб топмагасен ному нишоним.

Шод этсанг агар лутф этибон, нетти, не бўлди,  
Васлинг била бу хаста Гадо кўнглини, хоним.

\* \* \*

Ул жафочи бизга бир кун мубтало бўлгайму, ох,  
Васлидин бу кайгулук жон шодмон бўлгайму, ох.

Гамзанг илгиндин яна, эй шўхи фаттон, жон аро  
Кўз юмуб очкунча юз турлук кирон бўлгайму, ох.

Макдамингда, эй азизим, жони ширин берганим  
Эл аросинда яна бир дoston бўлгайму, ох.

Асру сувсабтур меним конимга жаллоди фалак,  
Ой юзунг кўргунча билмонким, амон бўлгайму, ох.

Окибат бир куп дедингим: «Рахм килгумдур санга»,  
Мендин ул кун дуняда ному нишон бўлгайму, ох.

Остонингдин ракиблар барча коварлар мени,  
Итларинг хайлида бир кун бизга сон бўлгайму, ох.

Доги ишкинг бирладур фахру мубохотим, бегим,  
Хеч Гадода ушбу давлатлик нишон бўлгайму, ох.

\* \* \*

Эй кўнгул, ул дамки севдунг сен бу кўзу кошни,  
Хотиримда кечтиким бот ўйнагумдур бошни.

Топса бўлмас чунки лаълинг соридин ному нишон,  
Неча харён чоптуройин мен бу мискин бошни.

Йўктурур мехру вафо кўнглунгда алхак заррае,  
Музмар этмишлар магар сийм ичра хоро тошни.

Чун хар иш кисмат кунида бўлди таъйин, эй хаким,  
Неча манъ этгайсен охир ошики авбошни.

Сўзлашурда шаккар эрнингни кўруб Мисрий набот  
Сувга ётиб инфюлиндин ёшурди бошни.

Нури иймон мубхам ўлди солмагил, бахри худо,

Барги насрининг уза ул сунбули толгошни.

Умрида мискин Гадо хеч кўрмади ишрат юзин,  
Дард учун гўё яратмишлар мени каллошни.

\* \* \*

Хаста кўнглумни, бегим, нортек янгокинг ўртади,  
Колганин бир йўли ул жоду карокинг ўртади.

Зулфу холингдин шикоят килмон, эй жони жахон  
Ким, менинг жонимни ул сиймин сакокинг ўртади.

Юроким кон бўлдию хеч топмадим жон максади,  
Сўз била охир мени ширин дудокинг ўртади.

Кимга айтай дарди холимни, не тадбир айлайн,  
Ким, мени боштин-оёк, золим фирокинг ўртади.

Оху вовайлоки, бу мискин Гадони окибат  
Хасрату гам бирла дарди иштиёкинг ўртади.

\* \* \*

Сенчалайин жахонда бир дилбари махлико кани?  
Бир даги мен шикастадек зулфунга мубтало кани?

Кўрк эли кўрубон сени, борча мусаххар ўлдилар,  
Хусну жамолинга не сўз, лойик анга вафо кани?

Бир бокибон карокларинг овладилар кўнгул кушин,  
Жон даги интизор эрур, бокти бир киё кани?

Ушбу мараз иложини сен не билурсен, эй табиб,  
Ёр дудокидин менинг дардима бир даво кани?

Хажр элидин Гадога кўп жавру жафо тегар, бегим,  
Додини кимдин истасун, сен киби подшо кани?

\* \* \*

Бир йўли унуттунг, санамо, ахду вафони,  
Хаддидин ошурдинг манга анвоъи жафони.

Зулфунг киби холимни ракиб этти паришон,  
Тенгрим яна гум килсун ўшул юзи карони.

Хар дам тегар элдин манга юз таъну малолат,  
Васлинг учун, эй жон, чекарам мунча балони.

Кўзум била кўнглумда маком этти хаёлинг,  
Кобул кўруб ўхшар магар ул обу хавони.

Эй войки, хижрон мени ўлтурди ёзуксиз,  
Тағйир эта билмон, нетайин, хукми казони.

Туттумки фалак Нух бакосин манга берди,  
Сенсиз нетайин, умри азизим, бу бакони.

Васлинг била тиргузгину ё бир йўли ўлтур,  
Жон тори турадургинча, бегим, хаста Гадони.

\* \* \*

Неттим охирким, иноят кўзидин солдинг мани,  
Ой юз исботи била икки кўзумнинг равшани.

Согинур бўлсам висолинг даврини, кон йигларам,  
Ким, манга ул лутфу эхсону иноятлар кани?

Интизорингда чикарга етти жон, чикгил равон,  
Ушбу ок эвдин, каро кўзум даги тиргуз мани.

Ер юзинда гамзангиздек йўктурур кон тўккучи,  
Сизга хатм ўлди жахонда ошик ўлтурмак фани.

Парвариш килдим юрак кони била кўз ёшини,  
Дўст согиндим, не билдим, ким, эрур жон душмани.

Ёзугум маълум эмас, билмон не таксир айладим,  
Мундин ортуқким иродатлар била севдум сани.

Гавхари максадни нетти гар иуоят айласанг,  
Дуржи лаълингдин аё хусну латофат маъдани.

Ёрлиги ишкинг била султони оламмен, бегим,  
Нечаким бўлсам факир, эй хусни мулкинда гани.

Мен Гадони айтур эрмишсенким, «ўлтургумдурур»,  
Мундин ортуқким иноят кўзидин солдинг мани.

\* \* \*

Жон багишлар кўзунг киё бокари,  
Нетти, гар тушса бизга бир назари.

Не ажаб нахл эмиш нихоли кадинг  
Ким, бори ноз эрур анинг самари.

Бир балодур каро жонимга сочинг,  
Кошу кўзунг каро бало сингари.

Хажр туни неча узун бўлса,  
Бўлгуси бордур охири сахари.

Хамрдин яхши йўк жахонда наъим,  
Бўлмаса гар хумору дарди сарп.

Неча олмас кўнгул сочинг хамидин,  
Нетсун андин чу йўктурур кадари.

Кўрди кошингда толеъимни хаким,  
Деди: «Уш ой бошиндадур хатари».

Мен факир охидин хазар килакўр  
Ким, гариб охининг бўлур асари.

Дер ракиб: «Ёрарам Гадо юрокин»,  
Текурар лофу зарра йўк жигари.

## МУСТАЗОД

\* \* \*

Эй гамзаси фитна, кўзи фаттон, ўзи офат,  
рахм айла бу жона,  
Хатм ўлди санго салтанати мулки латофат,  
эй шохи ягона.

Шаксиз, бу юрак конина парварда бўлубтур,  
ул лаъли равонбахш,  
Пайдоу муайяндур аё кони зарофат,  
кўп килма бахона.

Чун колмас эмиш ному нишону ситаму жавр,  
бедод нединдур,  
Дод айла, бегимким, ўтадур даври хилофат,  
уш кечти замона.

Отконда кўзунг новаки дилдўзни хар ён,  
эй шўхи жафокиш,  
Хар неча бор зрди арода буъди масофат,



шон эрди нишона,  
Жондин рамаки колди Гадонинг баданида,  
эй рухи мужассам,  
Ширин дудокингдин кадаре килгин изофат,  
тиргуз ани ёна.